




Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАХДАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 82 (11.893)

Баҳоси эркин нархда



## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Бугун «Ўзекспомарказ» мажмуасида «Ўзекистон соғлиқни сақлаш ҳафталиги» доирасида «Соғлиқни сақлаш», «Аптека» ва «Стоматология» – бирйўла учта халқаро кўргазмалар иш бошлади. Нуфузли тадбирнинг ташкилотчилари «UFI» аъзоси бўлган «ITE Uzbekistan» компанияси ҳамда унинг ҳамкори «I.T.E. Exhibitions & Conferences Ltd» (Буюк Британия) ҳисобланади.



Тошкентда 22-23 апрель кунлари «Демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзууда халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. ЎзА мухбирлари конференция иштирокчиларининг айримлари билан сұхбатлашди.

## «ЎЗБЕКИСТОННИНГ ДУНЁ ҲАМЖАМИЯТИДАГИ ЎРНИ МУСТАҲКАМЛАНИБ, НУФУЗИ ОШИБ БОРМОҚДА»

Евгений КОЖОКИН, Мехнат ва ижтимоий муносабатлар академияси ректори (Россия):

– Ушбу тадбир Ўзекистоннинг тараққиёт молдига қизиқётган барча иштирокчилар учун жуда муҳим ва дозларб мәълумотларга бой анжуман бўди. Ўзекистоннинг тўғри танлаган тараққиёт ўйли, айниқса, тобора шоётган саноати салоҳигина дикитимизни тортди. Боиси, МДХ мамлакатларида саноатни барқарор ривожлантириш бўлгани куннинг дозларб масалаларидан бирин ҳисобланади. Мамлакатнинг босқичма-босқич диверсификация килинаётган, соҳани такомиллаштириш учун янги дастурларнинг ишлаб чиқиётгани ибрат олса аргиулар бой тажрибадир.

Концепцияда белгиланган устувор ўйналишлар – бизнес-соҳиҳларни амала оширишини ингиллаштириш, ҳусусий тадбиркорлик ва ойлавий бизненси ривожлантириш максадидан конуниципка кирилтиши режалаштирилган ўзгаришлар бизда катта қизиқириб ўтроди. Мамлакатнинг билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш тарафдоримиз.

Андреас АНДРИНОПУЛОС, Грециянинг Америка коллежи ҳузуридаги Дипломатия ва халқаро муаммолар институти директори (Греция):

– Ўзекистонда иқтисодиётда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни ва улушини янада кенгайтириш борасида ишларни янада такомиллаштиришга, парламент фаолиятини ривожлантиришга, кўпартавийлик тизими ва партияларро рақобатни кучайтиришга алоҳида эътибор қартилаётгани ўзининг ўзик самараларини бермоқда.

(Давоми 2-бетда)

## МУСТАҚИЛЛИК НИҲОЛЛАРИ

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2011 йил 6 апрелда қабул қилинган «Ўзекистон Республикаси давлат мустақилларининг йигирма ийлигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»га Қарорига кўра, мамлакатимиз таълим мусассасаларида ўқувчи ва талабалар учун ёшларнинг мустақилларини мустаҳкамлашдаги ўрни ва аҳамиятига бағишилаб қатор тадбирлар ўтказилмоқда.

Ўзекистон Адлия вазирлиги томонидан 1-республика педагогика коллежида ташкил этилган ана шундай учрашув «Биз – мустақиллик ниҳолларимиз» деб номланди.

Тадбирда тарихан киска даврда халқимизнинг хошиш-иродаси, бунёдорона мөнгалини эвазига юртимизда барча соҳаларда туб ўзгариш ва янгиланшилар юз береганини таъкидланди. Буни 1-республика педагогика коллежи фаолиятида ҳам кўриш мумкин.

Коллежимиз мустақиллик йилларида замонавий ўкув даргоҳи сифатида шаклланди, – дейди ўзА мухбирига мазкур коллеж директорининг ўринбосари Муҳиддин Тошев. – Тубдан реконструкцияни килинган ўкув биноси замонавий аҳборот технологиялари билан тўла таъминланди. Ўқувчиларнинг ўзиши, спорт билан шуғулланishi, касб сирларини чукуроқ згаллаши учун барча зарур шарт-шароит юратиди.

## ЕВРОПАРЛАМЕНТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Ўзекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатасида Европа Парламенти делегациясининг мамлакатимизга ташрифи доирасида «Ўзекистон ва Европа Иттифоқида сиёсий ва иқтисодий ривожланиш, иккى томонлама шериклик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш» мавzuуда халқаро давра сұхбати бўлиб ўтди.

Тадбирда Олий Мажлис Конунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, Ўзекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон хукуқлari бўйича вакили (Омбудсман), Европа Парламенти делегацияси аъзолари, мамлакатимизнинг қатор ваизлрик ва идоралари вакиллари иштирок этди.

Ўзекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатасиининг Халқаро ишлар ва парламентларо алоқалар кўмитаси раиси Л.Ғуломов Ўзекистоннинг Европа Иттифоқи билан иқтисодий, ижтимоий-сиёсий алоқаларни ва парламентаризм соҳасидаги ҳамкорлиги изчил ривожланиси бораётганини aloҳida таъкидлади.

(Давоми 2-бетда)

Шу кунларда республикамиз бўйлаб ўзини ўзи бошқариш органлари сайловига тайёргарлар қизғин кетмоқда. Олий Мажлис Сенати Конгенининг қарорига асосан жорий йил май-июн ойларида барча маҳаллаларда фуқаролар йигинлари раислари ва тупарнинг маслаҳатчилари сайлови бўлиб ўтди. Ушбу муҳим ижтимоий-сиёсий тадбирнинг юқори савиядада ва қонун талабларига мувоғиқ ўтказилишини таъминлаш мақсадида парламент юқори палатаси Конгени ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Конгешлари даражасида сайловни ташкил этиши ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар тузилди.

## Кучли фуқаролик жамияти сари

### САЙЛОВ – ДЕМОКРАТИЯНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ

Борилади? Сайловни ташкил этиши ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар қандай ваколатга эга? Иши гурухлари физикаларни разислари нимадан иборат? Шу каби саволлар сайловни ташкил этиши ва ўтказишга кўмаклашувчи шахар ва туман комиссиялари аъзолари, 476 та маҳалла фоалият бошлаган иши гурухлари иштирокида ташкил этилди.

(Давоми 2-бетда)

**XXI садоси**  
аср

БАРЧА МАНБАЛАРДАН  
ОЛИНГАН СҮНГИ ХАБАРЛАР

**МАМЛАКАТИМИЗДА**

• Самарқанд шаҳрида худудий саноат ярмараси ва кооперация биржаси бўлиб ўтди. Унда вилоятда фаолият юритаётган 140 дан зиёд ишлаб чиқариш корхоналари, ҳусусий тадбиркорлар, савдо корхоналари мингдан ортиқ турдаги маҳсулотлар хамда сервис хизматлари билан иштирок этди. Иккى кун давом этган тадбирда ишлаб чиқариш корхоналари ўтасида маҳсулот айрбошлаш ёки биргалида ишлаб чиқариш бўйича 3 миллиард 984 миллион сўмлик 105 та шартнома имзоланди.

• Мустақилларининг 20 йиллигига бағишилаб «Ўзекистон маданияти ва санъати форуми», «Мехр нури» жамғармалари, «Аёллар кенгаши» республика жамоатчилик бирлашмаси ҳамда «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази томонидан Андижон вилоятида ташкил этилган «Биз – 20 ўшдамиз!» ёшлар акциясида «Келажак овози» кўрик-танловининг аҳборот тадбири, ёш тадбиркорлар форуми, бўш иш ўринлари ярмараси, хорижий тиллар танлови, теле ва босма оммавий аҳборот воситаларига қизиқувчи ёш журналистлар танлови каби тадбирлар ташкил этилди.

• Тошкентдаги Миллий санъат марказида «Ўзекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Осиё рамзи» модельерлар уюшмаси ҳамкорлигидан ташкил этилган болалар мода фестивали яқунланди.

• Урганч шаҳридаги Урганч суратлар галереясида хоразмлик ёш рассомлар асрлари кўргазмаси ташкил этилди. Мамлакатимиз Мустақилларининг 20 йиллигига бағишилаб «Тасвирий санъат ҳафтаталиги – 2011» тадбирлар доирасида ўтказилаётган ушбу кўргазмада ёш изодкорларнинг 100 дан зиёд турли жанрлардаги асрлари намойиш этилмоқда.

• Марғилон шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлуми ташаббус билан эндилиқида компьютерлар ёрдамида иш ахтарувчилар талаб ва истакларини қондириш, замонавий усолда фуқароларга хизмат кўрсатиш имкони яратилди. Бу ерда иш изловчи фуқаролар учун махсус дастур ўрнатилиб, унга мурожаат қилган фуқаро ўзи ҳақидаги керакли маълумотларни кириганидан сўнг, танлаган ишига йўлланма берилади.

**ЖАҲОНДА**

• Венгрия президенти Пал Шмитт мамлакатнинг янги конституциясини имзолади. Маълумки, бундан бир ҳафта мукаддам янги конституция мамлакат парламенти томонидан қабул килинганди. Ўшанда парламентдаги оппозицион партия вакиллари овоз бериш жараёнда қатнашмасликларни билдиришган эди. Ана шундун қаршилик ва норозилларга қарамасдан, мамлакатнинг янги конституцияси қабул қилинди.

• Кот д' Ивуарнинг йирик шаҳри Абиджандан 2010 йил 28 ноябрда ўтказилган президент сайловлари натижасини таномлаётган ва ўз авозимини тарк этишни истамаган мамлакатнинг собиқ президенти Лоран Гбагбо тарафдорларига қарши куролли операция давом этмоқда. Гарчи 11 апрелда Гбагбо хибсга олинган бўлсада, унинг тарафдорлари қонуний ҳокимиятга бўйсунини истамаяптилар. Ҳозирда энг оғир вазият Абиджаннинг шимоли-ғарбий худудида вужудга келибди.

• АҚШнинг Тексас, Виржиния штатларида юзага келган ўрмон ёнғинлари оқибатида юздан ортиқ турар жой биноси куйиб, кул бўлди. Маълумотларга кўра, баландлиги 7-8 метрни ташкил килган кучли алантга 500 квадрат километрни камрад олган. Кучли шамол ва иссиқ ҳаво оғатнинг кучайшига сабаб бўляпти. Ёнғинни бартараф этиш учун кўплаб ўтириши гурухлари жалб этилган.

• Вьетнамдаги Ха Лон кўрғазида сайҳлар катери сувга чўкиб кетди. Натижада 30 нафардан зиёд сайёх ҳалқ бўлган, 20 га яқин кишининг ҳаётни саклаб қолинган. Маълумотларга кўра, ушбу бахтсиз ҳодиса денгизда юзага келган тўфон оқибатида содир бўлган.

• АҚШнинг Санда милий лабораториясида рак ҳужайраларини соглем ҳужайралардан бир зумда ажратиб берадиган лазерли технология ишлаб чиқди. Келажакда бу технология рак қаллигининг бошланғич даварини аниқлашга ёрдам беради. Айни кунларда даволашнинг янги усули сичқон жигарига ҳужайраларида синаб кўрилмоқда.





